

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАДРАХИМОВ ПОЛВОН МАШАРИБОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ПНЕВМОКОКК
ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ЭМЛАНГАН ВА ЭМЛАНМАГАН
БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАДАН ТАШҚАРИ ПНЕВМОНИЯ
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мадрахимов Полвон Машарибович

Жанубий Оролбўйи минтақасида пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигини даволашга замонавий ёндашувлар 3

Мадрахимов Полвон Машарибович

Современные подходы к лечению внебольничной пневмонии у детей вакцинированных и невакцинированных против пневмококковой инфекции в Южном Приаралье 29

Madrakhimov Polvon Masharibovich

Modern approaches to the treatment of community-acquired pneumonia in children vaccinated and unvaccinated with pneumococcal infection in the South Aral region.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАДРАХИМОВ ПОЛВОН МАШАРИБОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ПНЕВМОКОКК
ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ЭМЛАНГАН ВА ЭМЛАНМАГАН
БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАДАН ТАШҚАРИ ПНЕВМОНИЯ
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib1519 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) web саҳифанинг www.tashpmi.uz ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойланган.

Илмий раҳбар:

Каримджанов Илхамджан Асомович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Ахмадjon Лутфиллаевич
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамов Мардонқул Рустамович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия
илмий-амалий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел.: +99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шифохонадан ташқари пневмония (ШТП) касаллиги энг кенг тарқалган юқумли касалликлардан биридир. Пневмококк инфекциясининг фақат инвазив шакллари билан касалланиш ҳар йили 100 минг аҳолига 10 дан 23 тагача ўзгариб туради ва йилига 1,6 миллион киши ушбу туркум касалликдан вафот этади. Уларнинг кўпчилигини эрта ёшдаги болалар ва айниқса, беш ёшгача болалар ташкил этади. АҚШда шифохонадан ташқари зотилжамни даволашга ҳар йили 8,4-10 миллиард доллар маблағ сарфланади¹. Эрта ёшли болалар орасида пневмониянинг асосий этиологик фактори бу – пневмококкдир. Пневмококк инфекцияси сабабли чақирилувчи зотилжамнинг госпитализацияси болалар орасида 17-44% ва катталар орасида 13-34% ни ташкил қилади ва ўлим даражаси 1 фоиздан 44 фоизгача ўзгариб туради. Пневмококк инфекциялари билан боғлиқ муҳим муаммолардан бири инвазив инфекциялари бўлган беморлардан ажратиб олинган патоген штаммларининг антибиотикларга чидамлилигининг ортиб боришидир.

Жаҳонда ҳар йили 20 миллионга яқин беморларда пневмококкли пневмония ҳолатлари қайд этилади, бу жараён сепсис ва бактериемия ривожланишининг юқори хавфи билан тавсифланади². Пневмококкларнинг микробларга қарши препаратларга чидамлилиги ҳали 10% дан ошмаган бўлсада, лекин ёпиқ болалар муассасаларида бу кўрсаткич 3-5 баравар юқоридир. Пневмококк инфекциясининг олдини олишнинг энг самарали ва тежамкор чораси бу – эмлашдир. 2007 йилда ЖССТ Пневмококк инфекцияларига қарши конюгат вакциналарни(ПИҚВ) миллий иммунизация дастурларига киритишни тавсия қилди³.

Мамлакатимизда айти пайтда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланди, касалликларни самарали даволаш бўйича мақсадли ва кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, замонавий технологиялар жорий этилди, бу эса сезиларли ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли⁴ ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий

¹ Linley E., Bell A., Gritzfeld J.F., Borrow R. Should Pneumococcal Serotype 3 Be Included in Serotype-Specific Immunoassays? *Vaccines*. 2019;7:4.

² Thorington D, Andrews N, Stowe J, et al. Elucidating the impact of the pneumococcal conjugate vaccine programme on pneumonia, sepsis and otitis media hospital admissions in England using a composite control. *BMC Med* 2018;16:13

³ ВОЗ. Информационный бюллетень № 331 (ноябрь 2014г.). URL: <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs331/ru/>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021-йил 29-июлдаги ПҚ-5199-сон Қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган муаммоларни бартараф қилишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда 2013 йилда ЖССТ ва UNICEF мутахассислари зотилжам касаллигини беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг асосий сабаби деб эълон қилдилар ва “Пневмониянинг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича глобал ҳаракатлар режасини (GAVI)” эълон қилишди. 2012 йилда ЖССТ маълумотларига кўра, дунё бўйлаб беш ёшгача бўлган болалар орасида 6,6 миллионта ўлим ҳолати қайд этилган бўлиб, ушбу ўлимнинг асосий сабаби шифохонадан ташқари пневмония касаллиги бўлиб қолмоқда(17%) (Goldblatt D., 2021). Финляндия ва АҚШда ўтказилган популяцион тадқиқотлар шуни кўрсатганки, пневмококклар 0 дан 5 ёшгача бўлган болаларда пневмониянинг этиологик омилнинг 80% дан ортигини, катта ёшдагиларни эса тахминан 50% ни эгаллайди (Vol`bot Y.K.).

Дунёда болалар учун пневмококк вакциналарини қўллаш бўйича кўп йиллик тажриба уларнинг хавфсизлигини кўрсатди. Дунёнинг турли мамлакатларида тақдим этилган болалар ва катталардаги пневмококк инфекциясига қарши эмлашнинг юқори самарадорлиги иммунизацияни пневмония билан касалланишни камайтириш стратегиясининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

МДХ мамлакатларида, хусусан, Россияда йилига 0 дан 15 ёшгача бўлган болаларда пневмококкли зотилжамнинг 125 минг ҳолати (1000 кишига 4,9) ва 0 дан 5 ёшгача бўлган болаларда 85 минг касалланиш ҳолати (1000 кишига 10,6 касалланиш) ҳақида маълумотлар келтирилган (Таточенко В.К., 2021). Ёш болаларда пневмококкли пневмония билан ўпканинг зарарланиши ва эмпиемаси зотилжамнинг бошқа барча шакллариغا қараганда тез-тез ривожланиб, нохуш оқибатлар хавфини оширади.

Мамлакатимизда айни пайтга қадар пневмококк инфекцияси ва бу муаммонинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳамиятига бағишланган кўплаб мақола ва асарлар нашр этилди. Ўзбекистонда ҳар йили 20 мингга яқин бола шу каби касалликлардан азият чекади, уларнинг ярми 5 ёшгача бўлган болалардир (Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., 2014). Пневмококк касаллигига мойиллик ёшга боғлиқлиги аниқланган бўлиб бу организмни пневмококкнинг маълум бир штамми – серотипига қарши ўзига хос антителоларни ишлаб чиқариш қобилияти билан боғлиқ. Ёш болаларнинг пневмококк инфекциясига қарши давом этаётган оммавий режалаштирилган мунтазам эмлаш иммунопрофилактика самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, ўз вақтида эмлашни таъминлаш ва эмлаш режимига риоя қилишни талаб қилади, бу эса асосан унинг самарадорлигини белгилайди.

Ўзбекистонда эрта ёшли болалар ўртасида пневмококк инфекциясига қарши режали иммунопрофилактикасини амалга ошириш бўйича 7-8 йиллик тажрибага қарамай, пневмококк инфекциясининг энг кенг тарқалган клиник нозологик шакли сифатида шифохонадан ташқари зотилжам касаллигига қарши самарадорлигини чуқур баҳолаш, пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган аҳоли пунктларида, айниқса, Жанубий Оролбўйида минтақасида шифохонадан ташқари пневмонияни даволашга замонавий ёндашувлар амалга оширилмагани ушбу ишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Тиббиёт Академиясининг №01.1800231-сонли илмий-тадқиқот режасига асосан “Болаларда бронхопулмонар ва аллергия касалликларни клиник ва генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эрта ташхис қўйиш ва даволаш усуллариини такомиллаштириш”(2018 – 2022йй.) мавзуси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигини даволашда замонавий ёндашувларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи минтақасида пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

ПИҚВлар билан эмланган ва эмланмаган болаларда пневмококк инфекциясига қарши иммунологик жавобни баҳолаш;

Пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда антибактериал терапия самарадорлигини баҳолаш;

Эмлаш ҳолатига қараб болаларда шифохонадан ташқари зотилжам касаллигини даволашда антибактериал терапияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 117 нафар ШТП билан касалланган болалар олинган бўлиб, улардан 53 нафари пневмококк инфекциясига қарши эмланмаган ва 64 нафар бола пневмококкга қарши эмланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммунологик тадқиқотлар учун веноз қон ва қон зардоби олиб текширилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида умумий клиник, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

пневмококк инфекциясига қарши эмланган 54,7% ва эмланмаган 45,3% болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг клиник кечиши хусусиятларини клиник ва морфологик ўрганиш натижасида шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг 51,8% ($p < 0,001$) ўчоқли ва 28,2% ($p > 0,05$) сегментар шакллари аниқланган ва кечиш оғирлиги бевосита боланинг

эмланганлик ҳолатига боғлиқлиги сероконверсия кўрсаткичи юқорилиги билан иммунологик ($P_n > 35$ у.е.) исботланган;

пневмококкга қарши 10 валентли вакцина билан эмлаш болаларни пневмококкли инфекциядан ҳимоя қилиши аниқланган, аммо эмланган болаларда инвазив касаллик кўзғатувчиси мавжуд бўлган холларда, 10 валентли вакцинанинг самарадорлиги 62,8% бўлган, бу эса вакцина таркибига киритилган кўплаб пневмококк серотипларига ($P_n - 1, 3, 5, 6A, 13, 15B, 18$) хос айрим антителолар даражасининг пастлиги билан ($P_n < 35$ у.е.) исботланган;

пневмококк инфекциясига қарши эмланмаган 86,8% болаларда касалликнинг клиник 3 кундан ортиқ фебрил ҳарорат, қуруқ йўтал, нафас етишмовчилигининг II даражали оғир кечиши, 51,8% болаларда ўчоқли ва 28,2% сегментар пневмония шакллариининг тез ривожланиши аниқланган, бу ҳолат захира (II–III авлод цефалоспорин) антибактериал дори воситаларни комплекс даволаш муолажаларида қўлланилиши зарурати билан исботланган;

серологик текширувлар асосида Жанубий Оролбўйи минтақасида пневмакоккнинг P_n-9N (Превенар – 13 (IgG – $35,1 \pm 1,2$ ($p > 0,05$))), Пнеумоцил – 10 (IgG – $37,1 \pm 1,2$ ($p > 0,05$))) штаммларининг кенг тарқалганлиги аниқланганлиги, бу турдаги пневмококк инфекцияларини самарали амбулатор – поликлиника ва стационар шариотда антибактериал даволашда цефолспоринларнинг III авлоди қўлланилиши зарурати билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларнинг пневмококк инфекциясига қарши эмлаш ҳолатини баҳолаш шифохонадан ташқари пневмония ривожланишининг эрта босқичларида ташхислаш ва даволашни янада мукамаллаштиришга асосланган;

ШТП билан касалланган болаларда шу кўзғатувчига нисбатан антителолар даражасининг назорат гуруҳидагига нисбатан паст бўлиши махсус иммун статуснинг пасайганлиги билан асосланган;

пневмококкка қарши вакциналар билан эмланмаган болаларда ШТП касаллигининг янада оғир кечиши кузатилган, бу эса касалликни даволашда қўшимча – захира антибиотикларни буюришни талаб қилиши илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни ташхислаш ва даволаш усулларининг такомиллаштирилганлиги, клиник, лаборатор, иммунологик, экспериментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пневмококк инфекциясига қарши вакциналар билан эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг клиник хусусиятлари аниқланган, пневмококка қарши вакцина гарчи эмланган болаларни катта қисмини пневмония касаллигидан ҳимоя қилсада, уларнинг баъзиларида инвазив касаллик бўлган ва вакцина таркибига кирувчи кўпчилик капсуляр полисахаридларга нисбатан пасайган антитело даражага эгаллиги сабабли уларнинг антибактериал терапиясига ёндашувлар такомиллаштирилди. Шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг оғирлиги бевосита боланинг иммунитет(эмланганлик) ҳолатига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти боланинг пневмококк инфекциясига қарши эмлаш ҳолатини баҳолаш ушбу патология ривожланишининг дастлабки – эрта босқичларида ташхислаш ва даволашни яхшилашга ёрдам беради. Пневмококк инфекциясига қарши эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг оғирроқ кечиши аниқланди, бу эса уларни даволашда захира антибиотикларини тайинлашни талаб қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пневмококк инфекциясига қарши вакцина олган ва олмаган бемор болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг оғирлиги ва асоратланиши боланинг пневмококк инфекциясига қарши вакцина билан эмланганлик ҳолатига қараб аниқланиши исботланган. Эмланмаган болалар эмланган болаларга қараганда ушбу касаллик оғирроқ кечишини кўрсатди. Шифохонадан ташқари пневмониянинг пневмококк инфекциясига қарши вакцина билан эмланган ва эмланмаган болаларда диагностикаси, клинικο – лаборатор ва иммунологик хусусиятлари ҳамда даволашни оптималлаштириш бўйича амалга оширилган диссертация тадқиқотининг олинган илмий натижалари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 13.02.2024 йилдаги №41 сон буйруғи, ТТА Урганч филиали клиникасининг 06.02.2024 йилдаги №4 – I сон буйриғи ва Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 08.02.2024 йилдаги №251-12-180-ТВ/2024 – сон буйриғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/40 – сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** Болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг оғирлигини баҳолаш учун тавсия этилган мезонлар прекlinik босқичда болаларнинг хавф гуруҳини аниқлаш имконини беради, бу эса асоратларни ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** асоратланмаган (ПИҚВ билан эмланган) шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган бемор болаларни даволаш давомийлиги иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги қуйидагича; клиникага ётқизилган пневмококк инфекциясига қарши вакцина олмаган 26 нафар беморга харажат 29302000

сўмни (клиника соматика бўлимида 1 беморга кунига ўртача 161000 сўм), асоратланган ҳолларда эса соматик ва реанимация бўлимларида даволаниш (1 кунлик реанимация койка кунни 800000 сўм (3 ± 1 койка кунни)) 41860000 сўмдан 69333000 сўмгачани ташкил қилган. Пневмококк инфекциясига қарши вакцина олган ва шифохонадан ташқари пневмония касаллиги билан касалланиб шифохонада даволанган беморда эса касаллик енгил ва асоратсиз кечганлиги ($5\pm 0,32$ койка кунни) ҳисобланилганда умумий харажат 20 930 000 сўмни ташкил қилган. Иқтисодий самарадорлик ўртача 8372000 сўмдан 48403000 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** ШТП билан оғриган болаларда оғирлик мезонларининг жорий этилиши клиникадан олдинги босқичда хавф гуруҳини аниқлаш ва ҳар бир бемор учун 322000 сўмдан 1862000 сўмгача бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: 10 валентли пневмококк вакциналари билан эмлаш эмланган болаларнинг кўп қисмини ҳимоя қила олади, аммо инвазив касаллик мавжуд бўлса, уларнинг вакциналар таркибига киритилган кўплаб капсуляр полисахаридларга (Pn – 1, 3, 5, 6A, 13, 15B, 18) ўзига хос антителолар даражаси нисбатан паст ҳолатда бўлиши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 13.02.2024 йилдаги №41 сон буйруғи, ТТА Урганч филиали клиникасининг 06.02.2024 йилдаги №4 – I сон буйриғи ва Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 08.02.2024 йилдаги №251-12-180-ТВ/2024 – сон буйриғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/40 – сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** пневмококкнинг серотип спектрини аниқлаш, шунингдек, пневмококк вакцинасига иммун жавобини ўрганиш шифохонадан ташқари пневмония касаллигини ташхислашни такомиллаштиради, бу эса пневмония билан оғриган болаларни даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** турли хил вакциналарга иммунитет реакциясини ўрганиш ва энг патоген штамmlарини аниқлаш пневмококка қарши самарали вакциналарни жорий этишга ёрдам беради, бу эса шифохонадан ташқари пневмония билан касалланишни икки бараварга камайтириши исботланган. Шунингдек, касалликнинг асоратланиши камайганлиги ҳисобига беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини 7 ± 1 кундан 5 ± 1 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 161000 сўмдан ҳисобланганда, шифохонада бўлиш даврининг 2 кунга қисқарганлиги натижасида 13 та беморни даволанишидан 4186000 сўм маблағ иқтисод қилинган. **Хулоса:** энг кенг тарқалган патоген штамmlарни аниқлаш пневмококка қарши самарали вакциналар билан эмланган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллиги асоратланиши ва оғирлигини камайтириши ҳисобига стационар шароитида даволашда ва беморларни касалхонага ётқизиш ва даволаш учун 1 нафар бемор ҳисобига 1 кунга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 161000 сўмдан иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: пневмококка қарши эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг оғирроқ кечиши

кузатилади, бу эса касалликни даволаш учун захира антибиотикларини буюришни талаб қилиши исботланганлиги амалга оширилган диссертация тадқиқотининг олинган илмий натижалари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 13.02.2024 йилдаги №41 сон буйруғи, ТТА Урганч филиали клиникасининг 06.02.2024 йилдаги №4 – I сон буйруғи ва Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 08.02.2024 йилдаги №251-12-180-ТВ/2024 – сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/40 – сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** пневмококка қарши вакциналар билан эмлаш шифохонадан ташқари пневмониянинг асоратланмасдан кечишига ва шунга мос равишда биринчи даражали антибиотиклардан фойдаланишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Пневмококк инфекциясига қарши вакцина билан эмланган болаларда шифохонадан ташқари пневмония мураккаб бўлмаган даволаш курсига эга, бу беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини 7 кундан 5 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 161000 сўмга камайтирган, шифохонада бўлиш даврининг 2 кунга қисқартирилиши ҳисобига 10 та беморни даволанишидан 3220000 сўм маблағ иқтисод қилинган. **Хулоса:** пневмококк инфекциясига қарши эмланган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигини стационар шароитида даволашдаги янги усуллари кўллаш, даволаш учун кам харажат талаб қиладиган биринчи қатор антибиотиклардан фойдаланишга, асоратланмаган кечувига ҳамда беморларни касалхонага ётқизиш ва даволаш учун 1 нафар бемор ҳисобига 1 кунга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 161000 сўмдан иқтисод қилиш имконини берган. Шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган болаларда олиб борилган такомиллаштирилган даволаш усули касалликнинг такрорий учраши ва унинг асоратларини 1,8 баробарга камайтирган.

тўртинчи илмий янгилик: серологик текширувлар асосида Жанубий Оролбўйи минтақасида пневмококкнинг Pn-9N (Превенар – 13 (IgG – $35,1 \pm 1,2$ ($p > 0,05$)), Пнеумоцил – 10 (IgG – $37,1 \pm 1,2$ ($p > 0,05$)) штаммларининг кенг тарқалганлиги аниқланганлиги, бу турдаги пневмококк инфекцияларини самарали амбулатор – поликлиника ва стационар шароитида антибактериал даволашда цефалоспориинларнинг III авлоди қўлланилиши зарурати исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 13.02.2024 йилдаги №41 сон буйруғи, ТТА Урганч филиали клиникасининг 06.02.2024 йилдаги №4 – I сон буйруғи ва Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 08.02.2024 йилдаги №251-12-180-ТВ/2024 – сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/40 – сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** пневмококкнинг энг инвазив штаммлари спектрини иммунологик аниқлаш, ҳамда, пневмококкга қарши вакцинага нисбатан иммун жавобини таҳлил қилиш шифохонадан ташқари пневмония касаллигини ташхислашни ва даволашни такомиллаштиради, бу эса пневмония билан оғриган болаларни даволаш

самарадорлигини оширишга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** пневмококк инфекциясига қарши жорий қилинган вакцинанинг қайси тури билан эмланганлигидан қатъий назар ШТП билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда стационар шароитда қўлланилган антибактериал терапия таҳлиллари натижаларига кўра 11 нафар бемор учун цефалоспоринларнинг III авлоди (цефотаксим – 50 мг/кг/кун) билан даволаш олиб борилганда антибиотикларнинг турли гуруҳларига (аминопеницилинлар, цефалоспоринларнинг 2-авлодига) нисбатан самарали эканлиги аниқланди. Бу беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини 5 кунгача қисқартириб 161000 сўм маблағларнинг тежалиши ва шифохонада бўлиш даврининг 1 кунга қисқариши ҳисобига 11 та беморда 1771000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** пневмококк инфекциясига қарши эмланган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигини асоратланмасдан стационар шароитида III авлод цефалоспоринлар билан даволаш, 1 нафар бемор учун 1 кунга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 161000 сўмдан иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот иши натижалари 2 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 9 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шунлардан 5 таси фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашриётлардаги журнал мақолалари; шу жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми компьютер матнида 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва материали тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Болаларда шифохонадан ташқари пневмония ҳақида замонавий тушунчалар (клиник хусусиятлари, даволаш ва профилактикаси)”** деб номланган биринчи бобида болаларда нафас тизими патологиялари, шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг

ривожланиш сабаблари, пневмококкларнинг турлари ва серогурухлари уларнинг патоген штамлари, касалликнинг кечишида атроф-муҳит омилларининг таъсири, ҳамда ушбу муаммонинг долзарблиги бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Экологик ноқулай ҳудудларда турли хил омилларнинг болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг асоратланишига олиб келиши мумкинлиги бўйича замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг ривожланишига бевосита таъсир қиладиган омиллар, яъни тароф муҳитнинг ноқулай таъсирлари натижасида ривожланувчи ёндош касалликлар, микроорганизмнинг табиати уларнинг антибактериал дори воситаларига чидамлилигининг ошиб кетиши шунингдек клиник-иммунологик ва морофофункционал ҳолатининг кўрсаткичлари, иммунологик параметрлар ва клиник кечишидаги номуносибликлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинган ва маълумотлар берилган.


Диссертациянинг тадқиқот материаллари ва усуллари номли иккинчи боби материалнинг умумий клиник хусусиятлари, иммунологик тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник хусусиятлари ва статистик таҳлил усуллари келтирилган бўлиб иш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Болалар касалликлари пропедевтикаси” кафедрасида олиб борилган. Ўрганиш Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ўтказилган. Тадқиқотда пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмония касаллигининг клиник хусусиятлари ўрганилган, эмлаш самарадорлиги, ўзига хос иммунитетни шакллантириш хусусиятлари баҳоланган, шунингдек, болаларда ШТП касаллигини даволашда терапевтик тактикаларга замонавий ёндашилган.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш ва амалга ошириш учун биринчи босқичда Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник шифохонасига ётқизилган шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган болаларни кўриқдан ўтказиш ва динамик кузатув олиб борилган. Касалхонага ётқизилган болаларда касаллик кечишининг клиник хусусиятлари, лаборатория маълумотлари ва болаларни текширишнинг инструментал усуллари ўрганилган. Тадқиқот давомида иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ҳам қўлланилган.


Анамнездан боланинг пневмококк инфекциясига қарши эмланишига ва эмлаш вақтига эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг профилактик эмлашлар тақвимида мувофиқ бола ҳаётининг 2, 3 ойлигида ҳамда энг камида 4 ҳафта интервал билан ва кучайтирувчи дозада 12 ойлигида мунтазам равишда эмлаш ўтказилади.

Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (Урганч ш.) клиник диагностика лабораториясида мунтазам лаборатор ва инструментал тадқиқотлар (умумий қон таҳлили, биокимёвий қон текшируви, кўкрак қафаси рентгенограммаси ва бошқалар) ўтказилди.


Иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Одам иммунологияси ва геномикаси институти” қошидаги ИДМ (иммунодиагностика маркази)да ўтказилди. Пневмококка қарши махсус антителолар мавжудлигини аниқлаш учун зардобларни таҳлил қилишда қаттиқ фазали ИФА усули қўлланилган. Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва ТошПТИ клиникасига ётқизилган ШТП ташхиси билан ётқизилган жами 117 нафар бола кузатилди ва тадқиқот олиб борилди. (1-расм)



1-расм. Шифохонадан ташқари пневмония касаллиги билан оғриган беморлар сони.



2-расм. Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларнинг жинси бўйича хусусиятлари



3-расм. Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларнинг ёш хусусиятлари

Бўлимга ётқизилган барча беморлардан Ўзбекистон Республикаси ССВнинг давлат стандартлари асосида клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилган(1-жадвал).

1-jadval

Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган бемор болаларда ўтказилган текширувларнинг умумий таҳлили

Т/с	Кўрсаткичлар номи (умумий текширувлар)	Беморларнинг ёши				
		3 ойгача	3 ойдан 1 ёшгача	1-3 ёш	3-7 ёш	7-15 ёш
1.	Умумий қон таҳлили	2	30	49	26	10
2.	Умумий сийдик таҳлили	2	30	49	26	10
3.	Умумий нажас таҳлили	2	30	49	26	10
Биокимёвий таҳлиллар						
4.	АЛТ	2	30	49	26	10
5.	АСТ	2	30	49	26	10
6.	Умумий оқсил	2	30	49	26	10
7.	Калций	2	30	49	26	10
8.	Мочевина, креатинин	2	24	44	21	10
9.	Темир миқдори	2	14	28	20	5
Инструментал текширувлар						
10.	Кўкрак қафаси рентгенографияси	2	30	49	26	10
11.	Пульсоксиметрия	2	26	38	24	5
12.	Ички аъзолар УТТ	2	30	49	26	10
13.	ЭКГ	1	3	2	1	3

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш шахсий компьютерда “Статистика – 10” дастури ёрдамида амалга оширилди. Ўртача арифметик қиймат (M), стандарт оғиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий қийматлар (частота, %), ОР - коэффициентларни аниқлаш учун вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усуллари қўлланилган. Олинган қийматларнинг статистик аҳамияти хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш учун Студент тести (t)дан фойдаланиб аниқланди. Пеарсон усули (p) ёрдамида икки ёки ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчилар ўртасидаги статистик муносабатни аниқлаш учун корреляция таҳлили ўтказилди.


Сифатли қийматларни ўрганишда статистик аҳамият χ^2 усули ёрдамида, кичик гуруҳ ўлчамларида тўртта майдонли жадваллар учун Фишернинг аниқ икки томонлама тестидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Болаларда ШТП учун эмлаш ҳолатига қараб касалликнинг кечиш хусусиятларини тавсифловчи беморларда анамнестик маълумотлар ва клиник белгиларнинг пайдо бўлиш частотасининг аҳамиятини аниқлаш учун қиёсий вазиятни назорат қилиш таҳлили ўтказилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигини текшириш хатоликлар қиймати ($P < 0,05$) бўлган тўртта майдонли жадвал учун χ -квадрат тести (χ^2) ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи боби – шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган эмланган ва эмланмаган беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари.

2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив даволаш бўлимида, шунингдек, пулмонология ва чақалоқлар бўлимларида ШТП ташхиси қўйилган 92 нафар бола кузатувга олинди. Шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида даволанаётган яна 25 нафар ШТП билан касалланган бемор болаларнинг касаллик тарихи таҳлил қилинди. Пневмония ташхиси болаларда бронхопуймонар касалликларнинг клиник шакллари таснифида (1995) берилган ўткир пневмониянинг диагностик мезонлари асосида қўйилган.

Бўлимга ётқизилган 1 ойликдан 15 ёшгача бўлган бемор болаларнинг ўртача ёши эмланмаган болалар гуруҳида $4,2 \pm 2,3$ ёшни ва эмланган болалар гуруҳида $2,3 \pm 1,2$ ёшни ташкил этди (4-расм).



4-расм. ШТП билан касалланган беморларнинг ёши бўйича кўрсаткичлари

Реанимация бўлимида ўртача қолиш муддати $10,3 \pm 3,7$ кун, соматик бўлимда эса - $7,3 \pm 2,2$ кун эди.

Фон касалликлари (*ёндош касалликлар ва чегаравий ҳолатлар*) болаларда асосий касалликларнинг кечишини кучайтиради. ШТП билан

оғриган беморларда энг кўп учрайдиган ҳолатлар темир танқислиги камқонлиги, оксил энергетик етишмовчилиги, рахит, каттароқ ёшдаги болаларда эса паразитар касалликлар эканлигини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

ШТП билан касалланган болаларда ёndoш касалликлар		Болалар сони, n=117	
		абс.	%
1	II- III даражали аденоидлар	5	4,3
2	Сийдик чиқарув йўллари инфекцияси	13	11,1
3	Дисбактериоз	4	3,4
4	Паразитоз	47	40,2
5	Марказий асаб тизимининг перинатал шикастланиши	3	2,6
6	Атопик касалликлар	9	7,7
7	Рахит	25	21,4
8	Темир танқислиги анемияси	105	89,7
9	Оксил энергетик етишмовчилиги	43	36,8
10	Ривожланиш аномалиялари (ҚАТН-2, юқориги лаб тиртиқи-1(куёнлаб))	3	2,6

Барча беморларда касалликнинг бошланиши ўткир кечган. Жараённинг бошланиши одатий ўткир респиратор вирусли инфекция билан, касалликнинг 5-7-кунда ўпканинг шикастланиши, тана ҳароратининг такрорий кўтарилиши, интоксикация синдромининг кучайиши ва нафас олиш етишмовчилиги белгилари пайдо бўлиши билан эди. Реанимация бўлимига ётқизилган вақтда барча беморларда ўткир нафас етишмовчилиги ва тизимли-яллиғланишли жавоб синдроми белгилари мавжуд эди, яъни; тана ҳароратининг 38,5°C дан юқори кўтарилиши – 86%; интоксикация синдроми белгилари (летаргия, адинамия, астения), 25 нафар (21,4%) эрта ёшли болаларда бронхо-обструктив синдром белгилари кузатилган. НЕ II даражаси 7 нафар (6%) болада, НЕ II даража – ўчоқли/қўшилган (аралаш) бронхопневмония билан оғриган 79 (67,5%) беморларда аниқланган. 20 нафар (17,1%) болаларда оғир интоксикация кузатилган, уларда иштаҳанинг йўқолиши, бош оғриғи, адинамия, умумий ҳолсизлик, летаргия, терининг рангпарлиги ёки мармарсимон бўлиши, ўртача периорал цианоз ва курук шиллик пардалар белгилари мавжуд. Ўртача оғир интоксикация синдроми ҳолсизлик, иштаҳа йўқолиши, терисининг рангпарлиги билан намоён бўлди ва 73 нафар (62,4%) беморларда аниқланди.

Шифохонадан ташқари пневмониянинг оғирлиги объектив текширув ва лаборатория диагностикаси натижалари асосида баҳоланди. НЕ даражаси белгилари пульсоксиметрия, минутлик нафас олиш сони, қийналиб нафас олиши(нафас сиқилиши) ва кўкрак қафасининг тортилиши симптомлари билан баҳоланди (3 - жадвал).

**Ёшига қараб болаларда нафас олиш сони (норма ва патологияда)
(ЖССТ кўрсатмалари).**

Ёши	Нафас олиш сони (НС/мин)	Тахипное (НС/мин)
2 ойликгача	30-50	≥ 60
2 - 12 ойлик	25-40	≥ 50
1-5 ёш	20-30	≥ 40
5 – 8 ёш	15-25	≥ 30

Эмлаш ҳолатига қараб ШТП клиник кечишини солиштириш учун ШТП билан касалланган беморлар 2 гуруҳга бўлинган - пневмококк инфекциясига қарши вакцина олган (эмланган) болалар ва эмланмаган болалар.

Вакцинани олмаган беморларда ҳарорат реакциясини солиштирганда, эмланган болаларга нисбатан фебрил ва юқори иситманинг гиперпиретик частотаси аниқланди (4-жадвал).

ШТП билан оғриган беморларда иситманинг табиати

Иситманинг характери	Пневмония билан оғриган беморлар сони				P
	Эмланмаган (n=53)		Эмланган (n=64)		
	абс.	%	абс.	%	
Юқори иситма (39-40,9)	5	9,4±4,0	3	4,7±2,7	>0,05
Фебрил (38-39)	40	75,5±6,0	40	62,5±6,1	>0,05
Субфебрил (37,0-37,9)	4	7,55±3,7	16	25,0±5,5	<0,05
Нормал ҳарорат (36,5-36,9)	4	7,55±3,7	5	7,8±3,4	>0,05

Йўталнинг табиатида сезиларли фарқлар йўқ эди. Беморларнинг 99 фоизда йўтал қайд этилган, 52 фоизи қуруқ ва балғамсиз, 47 фоизи эса нам (5-жадвал).

ШТП билан оғриган беморларда йўталнинг характери

Йўталнинг характери	Эмланмаган (n=53)		Эмланган (n=64)		P
	абс.	%	абс.	%	
Балғамсиз	11	20,7±5,6	12	18,8±4,9	>0,05
Қуруқ	16	30,1±6,4	22	34,4±6,0	>0,05
Нам	26	49,1±6,9	30	46,8±6,3	>0,05

Шифохонага ўткир бронхопулмонар касаллик билан ётқизилган барча болалар ўпкасида физик текширув усуллари билан аниқланган маҳаллий ўзгаришлар мавжуд. Перкуссияда I ва II гуруҳдаги 30 нафар беморларда маҳаллий перкутор товуш қисқариши аниқланди (мос равишда 56,6% ва 46,8%). Аускултацияда маҳаллий физикал ўзгаришлар I ва II гуруҳларда бир хил частотада аниқланди (6-жадвал). Аускултатив белгилари сусайган нафас, дағал нафас, крепитация(ғиччилаш), куруқ ва нам хириллашлар шаклида аниқланган.

6-жадвал

Гуруҳлардаги физикал ўзгаришларнинг ҳолати

Физикал ўзгаришларнинг табиати	Эмланмаган (n=53)		Эмланган (n=64)		P
	abs.	%	abs.	%	
Маҳаллий физикал ўзгаришлар	37	69,8±6,4	18	28,1±5,7	<0,001
Перкутор товушининг қисқариши	30	56,6±6,9	30	46,9±6,3	>0,05
Локал сусайган нафас	43	81,1±5,4	48	75,0±5,5	>0,05
Локал қаттиқ нафас олиш	42	79,2±5,6	43	67,2±5,9	>0,05
Локал хириллашлар	46	86,8±4,7	53	82,8±4,8	>0,05

Барча беморлар рентгененологик текширувдан ўтказилган. Ўпканинг зарарланиши жойлашувига кўра ўчоқли ва сегментар тури кўпроқ кузатилган бўлса(6-жадвал), сезиларли даражада камроқ ўчоқли-кўшилган тури кузатилган. Клиник жиҳатдан пневмониянинг ушбу турлари ўрта оғир ва оғир кечиши, асосан пастки бўлақларга таъсир қилиши, ўнг томонлама жойлашуви ва 1-3 сегментларни зарарлаши билан тавсифланади. Эмланган ва эмланмаган болаларда ШТПни солиштирганда, клиник ва морфологик маълумотларга кўра, эмланмаган болаларда кўпинча лобар(бўлакли), сегментар ва ўчоқли-аралаш жойлашуви билан оғир кечганлиги аниқланди. Эмланган болаларда лобар(бўлакли) пневмония кузатилмади (7-жадвал).

7-жадвал

Пневмония жараёнининг характеристикаси	Эмланмаган, n=53		Эмланган, n=64		P
	abs.	%	abs.	%	
Сегментар	18	34,0±6,6	15	23,4±5,3	>0,05
Ўчоқли	20	37,7±6,7	48	75,0±5,5	<0,001
Ўчоқли-кўшилган	10	18,9±5,4	1	1,6±1,6	<0,01
Бўлакли	5	9,4±4,0	0	0	<0,05

Пневмониянинг инфекция-токсик шок кўринишидаги асоратлари кўпроқ эмланмаган болаларда кузатилган (мос равишда 11,3% ва 1,6%) (8-жадвал).

8-жадвал

Шифохонадан ташқари пневмония кечишига кўра

ШТП кечиши	Эмланмаган n=53		Эмланган n=64		P
	Абс.	%	Абс.	%	
Асоратли	6	11,3±4,4	1	1,6±1,6	<0,05
Асоратсиз	47	88,7±4,4	63	98,4±1,6	<0,05

Умумий қон текширувида кўпчилик беморларда I даражали анемия аниқланди, эмланмаган болалар гуруҳида *Hb* даражаси паст еди (9-жадвал).

9-жадвал

Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган болаларда гемограмма кўрсаткичлари

УҚТ кўрсаткичлари	Эмланмаган, n=53	Эмланган, n=64	t=	Ишончлилик кўрсаткичлари, гуруҳлар орасида	Референсные значения
Hb, г/л	88,9±1,5	95,3±1,6	2,85	0,01	117-160
Эритроцитлар 10*12/л	3,2±0,1	3,1±0,1	-0,279	и/э	3,8-5,3
P/K	0,8±0,01	0,9±0,01	1,224	и/э	0,85-1,05
Тромбоцитлар	185,6±6,3	224,7±8,5	3,693	0,00	179,0-403,0
Лейкоцитлар 10*9/л	12,4±0,5	9,4±0,5	2,292	0,01	4,5-11,0
Таёқча/й.н.	4,4±0,2	4,0±0,2	1,208	и/э	1,0-5,0
Сегмент/й.н.	56,5±1,6	48,9±1,7	3,249	0,00	47,0-72,0
Лимфоцитлар	26,5±2,5	28,6±2,8	-0,565	и/э	19,0-37,0
Моноцитлар	3,07±1,6	2,62±2,0	-2,322	0,05	2,0-3,0
ЭЧТ, мм/с	16,1±1,7	14,2±0,4	1,072	и/э	0-15

Изоҳ: и/э – ишончли эмас.

Олинган клиник ва рентгенологик маълумотлар, биринчи навбатда, беморларнинг умумий аҳволи яхшиланганлигини кўрсатади. 3-кунга келиб II гуруҳдаги 16 та (30,2%) болада интоксикациянинг клиник белгилари йўқолган ва 22 таси (34,4%) эса I гуруҳда. Бир ҳафта ичида (4-кунларда) I

гуруҳда 30(56,6 %) ва II гуруҳда 32 (60,4%) беморларда интоксикациянинг клиник белгилари кузатилмади. I гуруҳдаги 7 нафар (13,2%) ва II гуруҳдаги 10 нафар (15,6%) беморларда иштаҳанинг пасайиши, мушакларнинг бўшашганлиги ва умумий ҳолсизлик кўринишидаги интоксикациянинг кичик кўринишлари 6 кундан ортиқ давом этди. 3-кундан ортиқ иситмаламаган беморлар I гуруҳдаги(эмланмаганлар) 14 та бемор (26,4%) ва II гуруҳдаги 30 та бемор (39,1%) касалликнинг 1-ҳафтаси охирига келиб (7-кун) - мос равишда; 36(67,9%) ва 50(78,1%) беморда иситма белгилари кузатилмаган. Беморларнинг кўпчилигида (84,4%) ўпкадаги маҳаллий физикал ўзгаришлар икки ҳафта ичида (10-14 кунларда) йўқолди. Қолган 15,6% да маҳаллий симптомлар (асосан аускултатив) 10 кундан ортиқ давом этган. Кейинчалик рентгенологик текширилганда - уч ҳафта ичида болаларнинг 70,1 фоизида ва барча беморлар 28-30 кун ичида тикланиш даврига ўтганлигига эришилди. Шифохонадан чиқарилгунга қадар бемор болаларнинг 38 фоизида ўпка суратининг кучайганлиги, лойқалик(ноаниқлик) аввалги пневмоник жараён ҳудудида кучайиш ва олдинги пневмотик жараён соҳасида деформация аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар пневмококк инфекциясига қарши эмланган ва эмланмаган болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг (ШТП) клиник кечиши бўйича янги статистик маълумотларни олиш имконини берди - пневмониянинг энг кенг тарқалган клиник ва морфологик шакли ўчоқли ва сегментар бронхопневмония бўлиб, сезиларли даражада камроқ болалар пневмониянинг ўчоқли қўшилган(аралаш) тури кузатилди. Клиник жиҳатдан пневмониянинг бу шакллари ўртача оғир ва оғир кечиш хусусиятлари билан тавсифланади, асосан пастки бўлақларга ва ўнг томонлама локализацияга таъсир кўрсатади. Эмланмаган болалар контингенти оғирроқ кечиш хусусиятларга эга ва тикланиш даври узокроқ давом этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Пневмококк инфекциясига қарши эмлашнинг иммунологик самаралигини баҳолаш ва антибактериал терапиясига дифференциал ёндашув” деб номланган. Ўзбекистон Республикасининг профилактик эмлашлар тақвимида мувофиқ, болалар мунтазам равишда энг камида 4 ҳафта интервал билан 2, 3 ойлик ва кучайтирувчи дозада 12 ойлигида эмлаш ўтказилади. Ўзбекистонда эмлашдан олдинги даврда пневмония билан оғирган беморларда 1, 3, 5, 6А, 14, 19 серотиплари аниқланган ва энг кўп ажратилгани 6А/Б серогуруҳидир. 13 валентли вакцина (PCV-13) таркибига кирадиган серотипларни беморлардан ажратилган *S.pneumoniae* серотиплари билан солиштирганда 78,3% ҳолларда вакцина серотиплари билан, 10 валентли вакцина (PCV-10) пневмококк таркибига кирувчи серотиплар билан ўзаро 62,7% ҳолларда мос келинганлиги аниқланган. Иммунитет реакциясининг яна бир кўрсаткичи сероконверсия даражасидир. ЖССТ экспертлари ишчи гуруҳи иммунологик корреляция сероконверсия кўрсаткичи самарадорлиги сифатида аниқланган, яъни шу даражадаги соғлом одамлардаги сероконверсия кўрсаткичилари билан солиштирилганда, пневмококк серотипларига мансуб IgG синфи

антителолари консентрацияси эмланганларда 0,35 мкг/мл дан баланд эканлиги аниқланган.

Пневмококка қарши гуморал иммун жавобни баҳолаш учун биз Превенар-13 ва 10 валентли вакцина билан 3 марта эмланган (2+1) болаларнинг қонини пневмококк серотипларига мос IgG антителолари мавжудлигини текширдик. Тадқиқот шифохонадан ташқари пневмония ташхиси билан касалхонага ётқизилган (26 нафар бола) болаларда ўтказилди, улардан 11 та бола 2020 йилгача “Превенар -13” вакцинаси билан эмланган ва 15 нафар бола 10 валентли (10ВВ) (Ҳиндистон) “Пнеумоцил” вакцинасини олган. Назорат гуруҳи сифатида 12 нафар ШТП касаллиги билан оғримаган (*клиниканинг бошқа бўлимларида даволанаётган болалар, яъни турли хил жарроҳлик амалиётлари ўтказилган (калкулёз холецистит), травматология бўлимида; елка-тирсак бўғимининг чиқиши, бурун жароҳати, ва бошқа ташхислар билан касалхонада ётган болалар*) болаларнинг қон зардобини олиб ўрганилди.

